

---

Фурқат туманида "Мақом таровати-Аския нашидаси" номи остида аския ва мақом концерти бўлиб ўтди

Фурқат туманида аҳолини бўш вақтини мазмунли ўтказиш, мақом санъатидан баҳраманд этиш ҳамда "Аския санъати" орқали кўтаринки кайфият улашиш мақсадида Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри жамоасининг мақом-спектакли ва аския-концерт дастури юқори савияда намойиш этилди.

Мақом ва аския-концерт дастури Фурқат тумани 12-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби концерт залида ўтказилди.

Дастурда сўз усталари, Мамасидиқ Ширяев, Ҳотамжон Ҳақимжонов ҳамда Абдулла Акбаров ва шогирдлари йиғилганларга табассум улашган бўлса, Марғилон мусиқали мақом театри ижодкорлари Иброҳимов Муроджон, "Шарқ тароналари" ғолиби Элмуродзода Улуғбек, Абдуазимов Азизбек, Мирзараҳимов Нурилло мақом чиқишларини намойиш этдилар. 200 нафардан зиёд томошабинлар қатнашган ушбу тадбир Фарғона вилояти ҳокимининг тегишли топшириғига асосан туман ҳокимлиги ҳамда тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан ташкиллаштирилди. Театр саҳнасига труппа раҳбари Лолахон Усмонова, бадий раҳбар Дониёржон Ҳақимовлар раҳбарлик қилдилар.

**Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ**













  
FURQAT TUMANI HOKIMLIGI  
AXBOROT XIZMATI















2021-11-13 10:02:42